

**МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА  
САМАРАЛИ ИШТИРОКИ БЎЙИЧА ЛУНД  
ТАВСИЯЛАРИ ВА ИЗОҲЛАР**

1999 йил сентябрь

**МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА  
САМАРАЛИ ИШТИРОКИ БЎЙИЧА ЛУНД  
ТАВСИЯЛАРИ ВА ИЗОҲЛАР**

1999 йил сентябрь

Ушбу китобчадаги барча маълумотдан нусха қўчиришингиз ва тарқатишингиз мумкин; манба қўрсатилса, миннатдор бўлар эдик. Китобчанинг асл нусхаси инглиз тилида Этник Гуруҳлараро Муносабатлар Жамғармаси томонидан тайёрланган ва чоп этилган, ISBN10: 90-7598905-9  
ISBN 13: 978-90-75989-05-2.

Кўшимча маълумот учун, куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Миллий Озчиликлар бўйича Бош Комиссар Идораси  
Office of the High Commissioner on National Minorities  
Prinsesseggracht 22  
2514 AP The Hague  
Tel: +31 (0)70 312 5500  
Fax: +31 (0)70 363 5910  
E-mail: [hcnm@hcnm.org](mailto:hcnm@hcnm.org)  
[www.osce.org/hcnnm/](http://www.osce.org/hcnnm/)



## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
-------------	---

### ***Лунг тавсиялари***

I. Умумий тамойиллар .....	7
II. Қарор чиқарища иштирок.....	8
A. Марказий ҳокимият даражасидаги тузилмалар	
B. Сайловлар	
C. Минтақавий ва маҳаллий даражадаги тузилмалар	
D. Кенгашув ва маслаҳат муассасалари	
III. Ўз-ўзини бошқарув.....	10
A. Ноҳудудий тузилмалар	
B. Ҳудудий тузилмалар	
IV. Кафолатлар.....	13
A. Конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлар	
B. Ҳуқуқий муҳофаза	

### ***Лунг тавсияларига изоҳлар***

I. Умумий тамойиллар .....	15
II. Қарор чиқарища иштирок.....	21
A. Марказий ҳокимият даражасидаги тузилмалар	
B. Сайловлар	
C. Минтақавий ва маҳаллий даражадаги тузилмалар	
D. Кенгашув ва маслаҳат муассасалари	
III. Ўз-ўзини бошқарув.....	27
A. Ноҳудудий тузилмалар	
B. Ҳудудий тузилмалар	

IV. Кафолатлар.....	32
A. Конституциявий ва хуқуқий кафолатлар	
B. Хуқуқий мухофаза	

## **КИРИШ**

Ўзининг 1992 йил июль ойидаги Хельсинки Қарорларига мувофиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Миллий озчиликлар бўйича Бosh Комиссар лавозимини «можароларни имкон қадар эрта босқичида олдини олиш воситаси» сифатида таъсис этди. Бу лавозим асосан собиқ Юgosлавиядаги вазият Европанинг бошқа бурчакларида, айниқса демократияга ўтиш даврида бўлган давлатларда такрорланиши мумкинлиги, ҳамда давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан 1990 йил ноябрда қабул қилинган Янги Европа учун Париж Хартиясида кўзда тутилган тинчлик ва фаровонлик истиқболларига хавф туғдириши эҳтимоллиги туфайли жорий этилди.

1993 йил 1 январда жаноб Макс Ван дер Стул биринчи ЕХХТ Миллий озчиликлар бўйича Бosh Комиссари (МОБК) вазифаларини бажаришга киришди. Ўзининг сабиқ парламент аъзоси, Нидерландия ташқи ишлар вазири, БМТда Доимий Вакил, ва узоқ вақт давомидаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси тажрибасига таяниб, жаноб Ван дер Стул ўз эътиборини Европада озчиликлар ва марказий ҳукуматлар орасида, унинг фикри бўйича кучайиши мумкин бўлган кўпгина баҳсларга қаратди. Дипломатик воситалар орқали бешовқин ҳаракат қилиб, МОБК ўндан ошиқ давлатлар, жумладан Албания, Хорватия, Эстония, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, сабиқ Юgosлав Македония республикаси, Руминия, Словакия ва Украина билан ишлай бошлади. Унинг фаолияти асосан бир давлатда сони бўйича кўпчиликни, лекин бошқа давлатда озчиликни ташкил қилувчи миллий-этник гуруҳларга мансуб шахслар аралашган ва ҳар бир давлат ҳукумати манфаатларига доир бўлиб, давлатлараро кескинликлар, ҳатто можаро манбаси бўлиши мумкин вазиятларга қаратилган. Дарҳақиқат, бундай кескинликлар Европа тарихининг боришини кўп жиҳатдан белгилаб ўтган.

Миллий озчиликларга тааллуқли кескинликларнинг моҳияти ечимида, МОБК ушбу масалаларга мустақил, холис ва ҳамкор қатнашчи сифатида ёндашади. МОБК назорат механизми бўлмаса ҳам, барча аъзо давлат қўшилган ҳалқаро стандартлардан ўз асосий таҳлил қамрови ва маҳсус тавсияларининг асоси сифатида фойдаланади. Бу жиҳатдан барча ЕХХТ қатнашчи-давлатлари олган, айниқса 1990 йилги Инсоний мезонлар бўйича Анжумани Копенгаген Ҳужжатининг 4 қисми миллий озчиликлар доир стандартларни тафсилотлари билан ифодаловчи мажбуриятларни эслаб ўтиш муҳимдир. Барча ЕХХТ давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари

---

бўйича мажбуриятлари, жумладан озчиликлар ҳуқуқлари бажаришга масъул, ва устига яна ЕХХТ давлатларининг аксарияти Европа Кенгаши стандартлари олдида ҳам масъулдир.

Олти йилдан зиёд қизғин фаолият давомида МОБК ўзи шуғулланувчи қатор давлатларда такрор кўтарилиб, эътиборини жалб этган муайян масала ва мавзуларни аниклади. Улар қаторида озчиликлар таълими ва озчилик тилидан фойдаланиш масалалари, айниқса миллий озчиликларга мансуб шахслар ўзига хослигини авайлаш ва ривожлантириш масалалари киради. ЕХХТ ҳудудидаги озчиликлар ҳуқуқлари мунтазам ва мақбул тарзда ижросини таъминлаш мақсадида, МОБК 1993 йилда тузилган нодавлат ташкилот – Этник гурухлараро муносабатлар Жамғармасидан МОБКни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидаги ишларни амалга оширишни, яъни халқаро миқёсда танилган мутахассислардан икки гуруҳ тузиб, икки тавсиялар мажмуасини: *Миллий озчиликлар таълим ҳуқуқларига оиг Гаага тавсиялари* (1996) ва *Миллий озчиликларнинг лисоний ҳуқуқларига оиг Осло тавсиялари* (1998) ни тузишни сўради. Икки тавсиялар мажмуасидан қатор давлатлар сиёsatчи ва қонунчилар учун кейинчалик асос сифатида фойдаланилди. Тавсияларни (бир неча тилда) Этник гурухлараро муносабатлар Жамғармасидан бепул олиш мумкин.

МОБК шуғулланган қатор вазиятларда кўтариувчи учинчи масала миллий озчиликларнинг давлатлар бошқарувида самарали иштироки шаклларидир. ЕХХТ қатнашчи-давлатларининг бу масаладаги қараш ва тажрибаларини ўрганиш ва давлатларга тажриба алмашишга имкон бериш мақсадида МОБК ва ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари идораси барча ЕХХТ давлатлари ва тегишли халқаро ташкилотларни 1998 йил 18-20 октябрда Швейцария Конфедерацияси томонидан Локарнода ўтказилган «Бошқарув ва Иштирок» мавзусидаги анжуманга йиғиши. Анжуман охиридаги Раис Баёноти учрашув мавзуларини жамлади ва «муайян давомий тадбирлар, жумладан озчиликлар иштироки билан биргалиқда ижобий бошқарув механизмлари ва концепциялари такомиллаштириш»га эҳтиёжни белгилаб ўтди. Шу мақсадда МОБК Этник гурухлараро муносабатлар жамғармасидан, Рауль Валленберг Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ институти билан биргалиқда халқаро таниқли мутахассислар гуруҳи тузиб, тегишли халқаро стандартлар билан биргалиқда тавсиялар ишлаб чиқиши ва муқобил услубларни белгилаб чиқишини сўради.

---

Ушбу ташаббуснинг натижаси **Миллий озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштироки бўйича Лунг тавсияларида**, яъни мутахассислар охирги марта учрашиб, тавсияларни якунлаган швед шаҳри номи билан намоён бўлди. Мутахассислар орасида халқаро ҳуқуқ билан шуғулланувчи ҳуқуқшунослар, конституциявий тузум ва сайлов тизимлари билан шуғулланувчи сиёсатшунослар, ва озчиликлар масалалари мутахассислари бўлган социологлар ҳам бор эди. Айниқса, Рауль Валленберг институти директори, профессор Гудмундур Альфредсон раислигидаги қуиидаги мутахассисларни санаб чиқиш мумкин:

Профессор Гудмундур Альфредсон (Исландия), Лунд Университети Рауль Валленберг номли Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ институти директори; профессор Вероник Богданор (Британия), Оксфорд Университети давлатшунос профессори; Войжин Дмитриевич (Югославия), Белград инсон ҳуқуқлари маркази директори; доктор Асборн Эйд (Норвегия) Норвегия инсон ҳуқуқлари институти катта илмий ходими; Профессор Яш Гай (Кения), Сэр Ик Пао, Гонконг жамоат ҳуқуқи профессори; Хёрс Ханнум (АҚШ) Тафтс Университети Флетчер ҳуқуқ ва дипломатия мактабида халқаро ҳуқуқ профессори; Питер Харрис (Жанубий Африка), Халқаро демократия ва сайловларга ёрдам институти раҳбари; Доктор Ханс Иоахим Хайнц (немис), Рур Университети Institut fuer Friedenssicherungsrecht und Humanitaires Voelkerrecht директори; Профессор Рут Лапидоз (Исроил), халқаро ҳуқуқ профессори, Қуддус Яхудий Университети Европа Институти коллегияси раиси; Лондон Университети Кингс Колледж халқаро ҳуқуқ кафедраси профессори Рейн Мюллерсон (Эстония); «Озчиликлар ва фуқаролар» Жамғармаси (Озчиликлар ҳуқуқлари групхи) раиси доктор Шарлота Пуфлерова (Словакия); Техас Университети халқаро ҳуқуқ профессори Стивен Ратнер (АҚШ); Нотр-Дам Университети давлат бошқаруви кафедраси доценти доктор Эндрю Рейнолдс (Британия); Каталония провинцияси каталон ижтимоий лингвистика институти директории Мигель Струбелл (Испания ва Буюк Британия); Академик университет фуқаролар ҳуқуқи профессори Або Марку Сукси (Финляндия); Любляна Университети халқаро ҳуқуқ университети профессори Данило Тюрк (Словения); Мердок Университети Осиё Тинч океани инсон ҳуқуқлари ва этник можаролар олдини олиш марказининг директори, ҳуқуқ катта ўқитувчиси доктор Фернан де Варен (Канада); Польша Фанлар Академияси

---

Познань инсон ҳуқуқлари маркази директори профессор Роман Верушевский (Польша).

Мавжуд озчилик ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг бир қисми бўлгани учун, мутахассислар орасида муҳокамалар давлатлар барча бошқа инсон ҳуқуқлари, айниқса камситишдан эркинликка риоя қилишидан бошланган. Улар яна барча инсон ҳуқуқларининг якуний мақсади инсон шахсиятининг тенг шароитда тўлиқ ва эркин ривожланишига қаратилганини кўзда тутишган. Демак, фуқаролар жамияти барча шахслар, жумладан миллий озчиликлар учун очик ва эркин бўлиши ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, ижобий ва демократик бошқарув мақсади бутун аҳолининг эҳтиёж ва манфаатларига хизмат экан, барча ҳукуматлар давлат қарорлари қабул қилинишида ушбу қарорлар тааллуқли бўлган шахслар ўз ҳиссасини қўшиши учун барча имкониятларни яратишига интилишади.

Лунд тавсияларининг вазифаси, ундан аввалги Гаага ва Осло тавсиялари каби Давлатлар томонидан миллий озчиликларга алоқадор кескинликларни юмшатиш учун маҳсус чоралар кўриш бўлиб, бу орқали МОБКнинг можаро олдини олиш борасидаги умумий мақсадига мувофиқдир. Миллий озчиликларнинг жамоат ҳаётида самарали иштироки бўйича Лунд тавсиялари озчиликлар ҳуқуқлари ва МОБК шуғулланувчи бошқа вазиятларга умуман доир бошқа стандартларни нисбатан лўнда тилда аниқлаштиришга ва таркибини кенгайтиришга ҳаракат қиласи. Стандартлар ошкора ва демократик давлатларда қўлланиши мунтазамлигини таъминлаш учун изоҳланган. Йигирма тўртта тавсияга кўра тўртта, умумий тамойиллар, қарор чиқаришда иштирок, ўз-ўзини бошқарув ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирокни кафолатлаш бобларига бўлинади. Лунд тавсияларидағи асосий концептуал бўлиниш икки йўналишга эга: умуман давлат бошқарувида иштирок ва маълум маҳаллий ёки ички масалалар устида ўз-ўзини бошқарув. Бир неча тавсияларда муқобил услублар таклиф қилинган. Барча тавсиялар 1 қисмдаги Умумий Тушунчаларга биноан талқин қилиниши лозим. Ҳар бир тавсиянинг батафсилоқ изоҳлари иловадаги тегишли халқаро стандартларга ҳавола қилинган Изоҳларда мавжуд.

# **МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТДА САМАРАЛИ ИШТИРОКИ БЎЙИЧА ЛУНД ТАВСИЯЛАРИ**

## **I. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

- 1) Миллий озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштироки тинч демократик жамиятнинг ажралмас таркибий қисмиdir. Европа ва бошқа жойлар тажрибасига кўра, бундай иштирокни рафбатлантириш учун ҳукуматлар кўпинча алоҳида тузилмалар жорий этишига тўғри келади. Бу Тавсиялар озчиликларнинг умумдавлат ҳаётига қўшилиши ва озчиликларнинг ўзига хослиги ва хусусиятларини сақлаб қолишига имкон яратади ҳамда бу орқали ижобий бошқарув ва давлат яхлитлигини таъминлашга ҳисса қўшади.
- 2) Ушбу Тавсиялар халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва қоидалари, масалан, инсон шаънига ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик ва камситмаслик кабиларнинг негизига қурилган, чунки улар миллий озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш ва бошқа сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқларига таъсир қиласди. Давлатлар халқаро тан олинган инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини ҳурматлашга масъулдир ва бу фуқаролик жамиятини бафрикенглик, тинчлик ва фаровонлик муҳитида баркамол ривожланишига имкон яратади.
- 3) Озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирокини таъминловчи маҳсус муассасалар тузилган бўлиб, уларга ҳокимият берилган ёки масъулият юклangan бўлса ҳам, улар таъсири остидаги барчанинг инсон ҳуқуқларни ҳурмат қилиши лозим.
- 4) Шахслар миллий озчиликка мансублиқдан ташқари ўзлигини бошқа шаклларда ҳам намоён этиши мумкин. Бирор шахс ўзини камчилик, кўпчилик ёки ҳеч қайсисининг аъзоси эмас деб билиши ўша шахс ихтиёридадир ва унга мажбуран юклаб бўлмайди. Айни пайтда, бундай танлов ва ундан воз кечиш мазкур шахснинг манфаатлари камситилишига олиб бормаслиги зарур.

- 5) Муассаса ва тартиб-қоидалар мазкур Тавсияларга мувофиқ жорий этилаётганда, жараённинг шакли ҳам, моҳияти ҳам муҳим. Ишонч муҳитини сақлаш учун давлат органлари ва озчиликлар ҳамкорона, ошкора ва масъул консультация жараёни ўтказишлари лозим. Давлат жамоат оммавий ахборот воситаларини маданий бағрикенгликни ривожлантиришга ва озчиликлар масалаларини ёритишга рафбатлантириши лозим.

## **II. ҚАРОР ЧИҚАРИШДА ИШТИРОК**

### **A. Марказий ҳокимият даражасидаги тузилмалар**

- 6) Давлатлар озчиликлар учун марказий ҳокимият даражасида ўз овозига эга бўлишини, зарур бўлса, маҳсус тузилмалар орқали таъминлаши лозим. Уларга шароитга қараб қуидагилар кириши мумкин:
- миллий озчиликлар учун маҳсус вакиллик, жумладан парламентнинг бир ёки иккала палатасида, ёки парламент қўмиталарида муайян ўринлар сонини ажратиш; ёки бошқа шакллардаги қонунчилик жараёнида иштирокини кафолатлаш;
  - миллий озчиликлар аъзоларига ҳукуматда, олий ёки конституциявий суд ёки қуириқ судларда, тайинланувчи маслаҳат органлари ёхуд бошқа олий даражадаги органларда ўринлар ажратиш учун расмий ёки норасмий келишувлар;
  - Тегишли вазирликларда озчиликлар манфаатлари эътиборга олинишини таъминловчи механизмлар, жумладан озчиликлар ишлари бўйича ходимлар тайинланиши ёки доимий йўриқномалар нашр этилиши; ва
  - давлат хизматига озчиликларни жалб этиш ва давлат хизматлари миллий озчиликлар тилида қўрсатилиши учун маҳсус чоралар.

## B. Сайловлар

- 7) Европа ва бошқа жойлардаги тажриба озчиликларнинг сиёсий соҳада иштирокини ривожлантириш учун сайлов жараёнининг муҳимлигидан далолат беради. Давлатлар миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг давлат ишларида иштироки, жумладан, овоз бериш ва лавозимга сайланиш ҳуқуқи камситилмаслигини кафолатлашади.
- 8) Сиёсий партиялар шаклланиши ва фаолиятини тартибга солишда халқаро ҳуқуқнинг уюшиш эркинлигига риоя қилинади. Бу тамойил сиёсий партияларни жамоа белгисига кўра фуқароларни бирлаштирувчи ва шу қатори ўзини алоҳида жамоа манфаатларини ифодалаш билан чекламаган партиялар тузилиш эркинлигини ўз ичига олади.
- 9) Сайлов тизими озчиликлар вакиллиги ва таъсирини рағбатлантириши лозим.
- Озчиликлар ҳудудий жиҳатдан зич жойлашган ҳолда, бир мандатли округлар етарли озчиликлар вакиллигини таъминлаши мумкин.
  - Мутаносиб сайлов тизимлари озчиликлар вакилларининг иштирокига кўмаклашиши мумкин, бунда қонунчилик органида у ёки бу партияга ажратилувчи ўринлар унинг умуммиллий сайловида олган овозлари улушкига боғлиқ бўлади.
  - Преференциялик сайловнинг баъзи шакллари, масалан, сайловчилар номзодларни танловига кўра тартибда белгилашлари озчиликлар вакиллиги ва жамоалараро ҳамкорликни ривожлантириши мумкин.
  - Қонунчилик органига сайланишнинг фоиз чегараларини пастлатиши миллий озчиликларнинг бошқарувдаги иштирокини кенгайтиради.
- 10) Сайлов ҳудудларининг жустрофий чегаралари миллий озчиликларнинг одилона вакиллигини таъминлаши лозим.

### **C. Минтақавий ва маҳаллий даражадаги тузилмалар**

- 11) Давлатлар миллий озчиликларнинг минтақавий ва маҳаллий даражадаги иштирокини кенгайтириш учун юқорида айтилган марказий ҳокимият даражасидаги каби чоралар кўриши лозим (6-10 бандлар). Минтақавий ва маҳаллий ҳокимият тизими ва қарор чиқариш жараёнлари миллий озчиликлар иштирокини рафбатлантириш мақсадида ошкора ва содда бўлиши лозим.

### **D. Кенгашув ва маслаҳат муассасалари**

- 12) Давлатлар тегишли ҳокимият муассасалари ва миллий озчиликлар орасида мулоқот воситаси вазифасини бажарувчи маслаҳат ёки консультация муассасаларини ташкил қилиши лозим. Бундай муассасалар ўз таркибида уй-жой, ер билан таъминлаш, таълим, тил, ва маданият каби масалалар бўйича маҳсус қўмиталарга эга бўлиши мумкин. Бундай органлар таркиби уларнинг мақсадини акс эттириши ҳамда озчиликлар манфаатларини янада самаралироқ ифодалаш ва таъминлашга хизмат қилиши лозим.
- 13) Ушбу муассасалар раҳбарият олдида масалалар кўтара олишга, тавсиялар тайёрлашга, қонунчилик ва бошқа таклифларни тузишга, жараёнларни кузатишга, режалаштирилаётган ва озчиликлар аҳволига бевосита ёки билвосита таъсир қилиши мумкин бўлган ҳукумат қарорлари юзасидан ўз фикрини билдиришга қодир бўлиши лозим. Давлат органлари озчиликларга доир қонунчилик ва маъмурий чоралар масалалари бўйича, озчиликлар эҳтиёжларини қондириш ва ишончини мустаҳкамлаш учун мазкур муассасалар билан мунтазам тарзда маслаҳатлашиши лозим. Ушбу муассасаларнинг самарали фаолияти етарли захиралари бўлишини талаб этади.

### **III. Ўз-ўзини бошқарув**

- 14) Озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирок этиши учун ҳудудий ёки ноҳудудий ўз-ўзини бошқарув учун тузилмалар ёки улар биримасини талаб этилиши мумкин. Давлатлар бундай тузилмалар учун етарли воситалар ажратиши лозим.

- 15) Бундай тузилмаларнинг муваффақиятли фаолияти учун давлат органлари ва озчиликларнинг ўзи ҳам бошқарувнинг баъзи жабҳаларида марказлаштирилган ва ягона қарорларга келиш ҳамда бошқа соҳаларда турли-туманликни маъқул кўриш заруратини тан олишлари даркор.
- Одатда марказий ҳокимият ваколатига мудофаа, ташқи ишлар, муҳожирлик, божхона, макроиқтисодий сиёsat ва пул-кредит масалалари киради.
  - Бошқа вазифалар, жумладан қўйида белгилаб ўтилганлари озчиликлар, ёки ҳудудий маъмуриятлар томонидан амалга оширилиши ёки марказий ҳокимият билан бўлиниши мумкин.
  - Вазифалар бир давлат ичидаги турли озчиликлар вазиятларига кўра турлича тақсимланиши мумкин.
- 16) Ўз-ўзини бошқарув муассасалари, ҳудудий ёки ноҳудудийлигидан қатти назар, тегишли аҳолининг ихтиёрини ҳақиқатдан акс эттириши учун демократик тамойилларга асосланган бўлиши лозим.

#### A. Ноҳуудий тузилмалар

- 17) Бошқарувнинг ноҳуудудий шакллари миллий озчиликларнинг ўзига хослиги ва маданиятини авайлаш ва ривожлантириш учун фойдалидир.
- 18) Мазкур тузилмалар томонидан тартибга солиниши жоиз масалаларга таълим, маданият, озчилик тилидан фойдаланиш, дин ва миллий озчиликларнинг ўзига хослиги ҳамда ҳаёт тарзи учун зарур бошқа жиҳатлар киради.
- Шахслар ва групкалар озчилик тилида ўз исмлари ва номларини танлаш ҳамда исмлари ва номлари расман тан олиниши ҳуқуқига эга.
  - Давлат органларининг таълим стандартларини белгилаш вазифасини эътиборга олган ҳолда, озчиликларнинг муассасалари ўз озчилик тиллари ва

маданияти бўйича ўқув дастурини белгилашлари мумкин.

- Озчиликлар ўз рамзлари ва маданий ифоданинг бошқа шаклларини танлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

## B. Ҳуудий тузилмалар

- 19) Барча демократик давлатлар турли ҳудудий даражаларда бошқарув тузилмаларига эга. Европа ва бошқа ерлардаги тажриба кўрсатишича, баъзи қонунчилик ва ижроия вазифаларни марказдан минтақавий даражага топшириш мақсадга мувофиқдир ва, марказий ҳокимиятни пойтахтдан минтақавий ёки маҳаллий марказларга кўчириш, яъни номарказлаштириш билан чекланмаслик зарур. Субсидиарлик тамойилини қўллаган ҳолда давлатлар бундай ҳокимиятнинг ҳудудий бўлиниши, жумладан ўз-ўзини бошқарувнинг маҳсус вазифалари, айниқса бу озчиликларнинг ўзларига тааллуқли масалалар бўйича кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишига ижобий ёндашиши зарур.
- 20) Миллий озчиликларнинг тарихий ва ҳудудий шароитига мос тегишли маҳаллий, минтақавий ёки муҳтор маъмуриятлар мазкур озчиликларнинг эҳтиёжларини унумлироқ қондириш мақсадида қатор вазифаларни ўз зиммасига олиши мумкин.
- Мазкур маъмуриятлар ўзига оловчи вазифаларга бошланғич таълим, маданият, озчиликлар тилидан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси, маҳаллий режалаштириш, табиий бойликларни ўзлаштириш, иқтисодий тараққиёт, маҳаллий ҳуқуқ-тартибот, уй-жой таъминоти, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий хизматлар киради.
  - Марказий ва минтақавий ҳокимият билан қўшма вазифаларга солиқقا тортиш, адлия, туризм ва транспортни ривожлантириш масалалари киради.
- 21) Маҳаллий, минтақавий ва муҳтор маъмуриятлар барча шахслар, жумладан ўз ҳокимияти остидаги ҳудудда истиқомат қилувчи барча озчиликларнинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ва таъминлаши лозим.
-

## IV. КАФОЛАТЛАР

### A. Конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлар

- 22) Ўз-ўзини бошқарув тузилмалари қонунга мувофиқ жорий этилиши ва оддий қонунчилик сингари ўзгартирилмаслиги лозим. Қарор чиқаришда озчиликлар иштирокини рафбатлантириш учун тузилмалар қонун ёки бошқа тегишли воситалар орқали жорий этилиши лозим.
- Конституция моддаларига биноан жорий этилган тузилмалар қабул қилиниши ва ўзгартирилиши учун одатда парламент ёки сайловчилар розилиги бўйича юқорироқ талаблар қўйилади.
  - Қонунчиликка биноан жорий этилган ўз-ўзини бошқарув тузилмаларини ўзгартириш кўпинча қонунчилик органи, мухтор органлар ёки миллий озчиликларнинг вакиллик органлари учдан иккисидан кам бўлмаган овозларини талаб қиласди.
  - Ўз-ўзини бошқарув тузилмалари ва қарор чиқаришда озчиликлар иштироки тузилмаларининг даврий таҳлили, тажриба ва ўзгарган шароитни эътиборга олган ҳолда мазкур тузилмаларни ўзгартиришга эҳтиёж туғилганлигини аниқлашга ёрдам бериши мумкин.
- 23) Иштирокнинг янги шакларини синаш ва ривожлантиришга имкон берувчи муваққат ёки босқичли тузилмалардан фойдаланиш имконияти ҳам ўрганиб чиқилиши мумкин. Бу тузилмалар қонунчилик ёки норасмий воситалар билан белгиланган вақт давомида жорий этилиши, ҳамда мақсадга эришилганига кўра узайтирилиши, ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.
- B. Ҳуқуқий муҳофаза
- 24) Миллий озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштироки можаролар олдини олиш ва баҳсларнинг ечими бўйича маслаҳат каналларини ва зарур ҳолларда ад-хок ёки муқобил механизmlарни талаб қиласди. Бундай услубларга:

- можароларни суд орқали ҳал этилиши, жумладан қонунчилик ёки маъмурий қарорлар устидан судга мурожаат этиш. Бу восита давлатда мустақил, ҳаммабоп ва холис суд ҳокимияти бўлишини талаб этади.
- баҳсларни ҳал этишнинг қўшимча тузилмалари, жумладан, музокаралар, далил қидирув, воситачилик, арбитрлик, миллий озчиликлар учун омбудсман ва давлат бошқаруви масалалари бўйича шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқишга қодир маҳсус комиссиялар.

# **МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ХАЁТДА САМАРАЛИ ИШТИРОКИ БўЙИЧА ЛУНД ТАВСИЯЛАРИГА ИЗОХЛАР**

## **I. УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

- 1) **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми** (қуйида БМТ Низоми) сингари ЕХХҚ/ЕХХТ таъсис ҳужжатлари инсон ҳуқуқлари, жумладан озчиликларга мансуб инсонлар ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи тенг ҳуқуқли суверен Давлатлар орасида дўстона ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилади. Дарҳақиқат, тарих гувоҳлигига кўра инсон ҳуқуқлари, жумладан озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилмаслик давлатдаги ички барқарорликни емиради ва давлатлар ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир қилиши, шу туфайли халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф туғдириши мумкин.

1975 йилги **Хельсинки Якуний Актининг 7-тамойилидан бошлаб**, ЕХХТ қатнашчи-давлатлари миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш ва тинчлик ҳамда барқарорликни сақлаш орасидаги узвий боғлиқликка ургу беришади. Бу боғлиқлик кейинги асосий ҳужжатларда, масалан, 1983 йилги **Мадрид Якуний Ҳужжати** (15-тамойил), 1989 йилги **Вена Якуний Ҳужжати** (18 ва 19-тамойиллар) ва 1990 йилги **Янги Европа учун Париж Хартияси**, кейинги Саммит ҳужжатларига қўшимча сифатида, масалан, 1992 йилги **Хельсинки Ҳужжати** (4-қисм, 24-банд) ва 1996 йилги **Лиссабон ҳужжатида** (1-қисм, 2-банд, 21-асрда **Европа учун Умумий ва Кенгқамровли хавфсизлик модели бўйича Лиссабон декларацияси**) ўз аксини топган. БМТ даражасида озчиликлар ҳуқуқларини ҳимояси ва тараққиёти ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлаш орасидаги алоқа 1992 йилги **БМТнинг Миллий, Этник, Диний ёки Лисоний Озчиликлар Декларацияси** (қуйида **БМТ Озчиликлар бўйича Декларацияси**) муқаддимасида алоҳида қайд этилган. Бундан ташқари, **Янги Европа учун Париж Хартияси** қабул қилиб, шу тариқа

барча ЕХХТ қатнашчи давлатлари демократик бошқарув тамойилларига содиқлигини изхор этишди.

Озчиликларга мансуб шахсларнинг инсон ҳуқуқларидан тенг фойдаланиши учун ҳар томонлама имкониятлар яратилиши уларнинг қарор чиқариш жараёнларида, айниқса ўзларига тегишли қарорлар қабул қилинишида самарали иштирок этишларини назарда тутади. Вазиятлар турли хиллиги ва одатий демократик жараёнлар озчиликлар эҳтиёжлари ва интилишлари учун етарли бўлса ҳам, тажриба кўпинча озчиликларнинг қарор чиқаришда самарали иштирокини рафбатлантириш учун маҳсус чоралар зарурлигини кўрсатмоқда. Қуйидаги халқаро стандартлар Давлатларни шундай вазиятларда чора кўришга мажбур қиласди: 1990 йилги Инсоний Мезон бўйича **Копенгаген учрашуви Ҳужҷати** 35-бандига биноан (қуйида Копенгаген Ҳужҷати), ЕХХТ қатнашчи-давлатлари «миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг давлат ишларида, жумладан мазкур озчиликлар ўзига хослиги ҳимояси ва тараққиёти ишларида самарали иштироқи», 1992 йилги **БМТ Озчиликлар бўйича Декларацияси** 2-моддаси, 2- ва 3-бандларига биноан «озчиликларга мансуб шахслар [...] ижтимоий-сиёсий ҳаётда» ва «миллий ва тегишли ҳолларда минтақавий даражада ўзлари оид бўлган озчиликларга доир ёки улар яшовчи минтақаларда самарали иштирок этиш ҳуқуқига эга», Европа Кенгаши 1994 йилги **Миллий озчиликлар ҳимояси бўйича Асосий Конвенция** 15-моддасига биноан (қуйида Асосий Конвенцияси) Давлатлар «миллий озчиликларга мансуб шахслар маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ва айниқса уларга доир давлат ишларида самарали иштироқи учун зарур шароитни» яратишга интилади».

Самарали иштирок учун имкониятлар яратилиши бундай иштирок ихтиёрий бўлишини назарда тутади. Ижтимоий-сиёсий интеграция остидаги маъно **Асосий Конвенциянинг** 5-моддасига кўра зўрлик билан ассимиляция қилишдан фарқлидир. Фақаттина ихтиёрий жараёнлар орқали озчиликларга мансуб шахсларнинг қонуний ҳуқуқларининг ҳимояси тинч жараён бўлиб, давлат сиёсати ва қонунчилигини шакллантиришнинг энг афзал натижаларини бериши мумкин. Бундай иштироқий жараёнлар бутун аҳолининг манфаатларига мувофиқлиги билан ижобий

---

бошқарув мақсадларига хизмат қиласы, яғни уларни давлат ҳаётининг барча томирларига сингдириб, давлат яхлитлигини мустаҳкамлайди. Озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирокига оид халқаро меъерларда БМТ, ЕХХТ ёки Европа Кенгаши мақсад ва тамойилларига, жумладан Давлатлар суверен тенглиги, ҳудудий бўлинмаслиги ва сиёсий мустақиллиги тамойилига зид фаолият умуман юритмаслиги қайд этилган (қаранг: *Копенгаген Ҳужжати* 37-банди, *БМТ Озчиликлар бўйича Декларацияси* 8-моддаси 4-банди ва *Асосий Конвенция* муқаддимаси).

- 2) 1992 йилги *Хельсинки Ҳужжати* 6-қисми 25-банди руҳида, бу тавсиялар тегишли мажбуриятларни тўлдиради ва ЕХХТ қатнашчи-давлатларига «улар ЕХХК мажбуриятлари, жумладан миллий озчиликларнинг этник, маданий, лисоний ва диний ўзига хослигини муҳофаза қилиш ва ривожлантириш учун кенгроқ имкониятлар беради».

**БМТ Низоми** 1-моддаси 3-бандига кўра ташкилотнинг мақсадларидан бири «иқтисодий, ижтимоий, маданий ёки инсонпарвар хусусиятдаги халқаро муаммолар ечими ва инсон ҳуқуқлари ҳамда барча учун ирқи, жинси, тили ёки динидан қатъи назар асосий эркинликларга ҳурматни шакллантириш ва рағбатлантиришдир», ва Низом 55-моддаси (с) бандида бу «инсон ҳуқуқлари ва ирқи, жинси, тили ёки динидан қатъи назар асосий эркинликларга риоя ва ҳурмат қилишни қўллашдир» деб аниқлик киритилади. **Низом** инсон ҳуқуқлари билан халқаро тинчлик ва хавфсизлик орасидаги боғлиқликка асосланади; инсон қадр-қимматининг аҳамияти ҳақида яна 1948 йилги *Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси* 1-моддасида ва 1966 йилги *Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома, Иқтисодий, Ижтимоий ва Маданий Ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро Шартнома* ва 1965 йилги *Ирқий Камситишнинг Барча Шакларини Тугатиш тўғрисидаги Халқаро Конвенция* муқаддималарида айтилган. Бундай қадр-қиммат барча инсонларда баббаравар зоҳирдир ҳамда тенг ва ажралмас ҳуқуқлар билан йўлдошдир.

Тенг қадр-қиммат ва ажралмас ҳуқуқлар фоясидан деярли барча халқаро инсон ҳуқуқлари ҳужжатлари, жумладан *Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси* 2-моддаси,

---

*Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома* 2- ва 26-моддалари, *Иқтисодий, Ижтимоий ва Маданий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома* 2-моддасида ифодаланган камситмаслик тамойили келиб чиқади. *Ирқий Камситишнинг Барча Шаклларини Тугатиш тўғрисидаги Халқаро Конвенция* 1-моддасида ҳам «келиб чиқиш, миллий ёки этник келиб чиқиш»га кўра камситишнинг тақиқланишини аниқ ифоданлаган. 1950 йилги *Европа Инсон Ҳуқуқлари ва Асосий Эркинликлар Конвенцияси* 14-моддасида (қуйида «*Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси*») конвенцияда кафолатланган ҳуқуқлар ва эркинликларга тааллуқли жиҳатларда камситмаслик тамойилини «миллий ёки ижтимоий келиб чиқиш ёки миллий озчилик билан алоқадорлиги» яққол қайд этилади. Дарҳақиқат, ЕХХТ аксарият Қатнашчи давлатлари конституциялари мазкур тамойиллар ва тушунчаларни ўзида жамлаган.

Модомики, миллий озчиликларга мансуб шахслар ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштирокка ҳақли экан, Копенгаген Ҳужжати 31-банди, *Асосий Конвенция* 4-моддаси, *БМТ Озчиликлар бўйича Декларацияси* 4-моддаси 1-бандига биноан улар мазкур ҳуқуқдан камситишсиз фойдаланишга ҳақли. Лекин, *Асосий Конвенциянинг* 4-моддаси 2-бандига биноан тенг қадр-қиммат тушунчаси камситишни инкордан зиёдроқ бўлиб, «миллий озчиликка ва аҳолининг кўпчилик қисмига мансуб шахслар орасида тўлиқ ва самарали тенглик» бўлиши, бунинг учун Давлатлар «..зарур ҳолларда ..миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг алоҳида шароитини эътиборга олган ҳолда.. сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида тегишли чоралар кўриши лозимлигини» белгилайди.

Тавсиядаги инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва фуқаролик жамияти тараққиёти орасидаги боғлиқлик «самарали сиёсий демократияга» чақириқни такрорлайди ва *Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси* Муқаддимасига биноан бу демократия бутун дунёдаги адолат ва тинчликни таъминлаш билан узвий боғлиқ. ЕХХТ Қатнашчи-давлатлари *Янги Европа учун Париж Хартиясида* демократик бошқарув, жумладан инсон ҳуқуқлари учун ҳурмат фаровонлик асоси эканлигини тасдиқлашади.

---

- 3) Миллий озчиликларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда самарали иштироқини таъминлаш учун маҳсус институтлар бошқалар ҳисобидан жорий этилмаслиги зарур. Барча инсон ҳуқуқларига тўлиқ ва ҳамма вақтда, жумладан давлат томонидан тегишли ваколат берилган муассасалар томонидан риоя қилиниши лозим. **Копенгаген Ҳужжатининг** 33-бандига биноан, миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ўзига хослигини ҳимоя қилиш чораларини кўраётганда, Қатнашчи давлатлар «Барча мазкур чоралар тегишли Қатнашчи давлатнинг бошқа фуқароларига нисбатан тенглик ва камситмаслик тамойилларига мувофиқ бўлиши лозим». **Копенгаген Ҳужжатининг** 38-бандида ЕХХТ «Қатнашчи давлатлар миллий озчиликларга мансуб шахслар ҳуқуқлари муҳофазаси ва ривожланишда ўз ҳаракатларини мавжуд инсон ҳуқуқлари конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ олиб боришади». **Асосий Конвенция** 20- моддасида шундай қоида мавжуд: «мазкур Асосий Конвенцияда ифодаланган тамойиллардан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва эркинликлар амалиётида, ҳар бир миллий озчиликка мансуб шахс миллий қонунчилик ва бошқалар, айниқса кўпчилик ва бошқа озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини ҳурматлаши лозим». Бу айниқса ҳудудий мъянода «озчиликлар орасидаги озчиликлар» масаласига қаратилган (16 ва 21 тавсияларга қаранг). Бунга аёллар инсон ҳуқуқлари, жумладан 1979 йилги **Аёллар Камситилишининг Барча Шакларини Тугатиш тўғрисигаги Конвенция** 7-моддасига биноан «мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида» камситишдан эркинлик ҳам киритиш зарур.
- 4) Миллий озчиликларга мансуб шахслар ўзига хослиги тамоили бир неча негиз мажбуриятларга асосланган. **Копенгаген Ҳужжатининг** 32-банди «Миллий озчиликка мансублик инсоннинг шахсий танлови ва бундай танлов ҳеч қандай қисилишга олиб келмайди». **Асосий Конвенция** 3-моддаси 1-бандига кўра «Миллий озчиликка мансуб ҳар бир шахс шундай муомала қилиниш ёки қилинмаслигини танлаш ихтиёрига эга ва бундай танлов ва танловга доир ҳуқуқлар амалиёти ҳеч қандай нохуш оқибатларга олиб келмайди». **БМТ Озчиликлар бўйича Декларацияси** 3-моддаси 2-бандида бундай «озчиликка мансуб бирор шахс мазкур Декларацияда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш ёки

фойдаланмаслик натижасида» камситишга дучор бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Шахснинг ўзини-ўзи белгилаш эркинлиги шахсий мустақиллик ва озодликка ҳурмат учун зарурдир. Инсон нафақат шахсий ҳаёт, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам ўзлигини турли шахсиятларда ифодалаши мумкин. Дарҳақиқат, кишилар ҳаракатчанлиги ва фоялар алмашуви ўсаётган очиқ жамиятларда кўп одамлар мос келувчи, бирга мавжуд ёки қатламли шахсиятларга (погонали ёки погонасиз шаклда) эга бўлиб, бу уларнинг турли ижтимоий хусусиятларини билдиради. Албатта, шахсият нафақат этник групга асосланган ва бир жамоа ичида бир хил эмас; улар турли даражадаги ва кўринишдаги аъзолардан иборат бўлиши мумкин. Алоҳида масалаларга алоқадор ҳолда, турли шахсиятлар кўпроқ ёки камроқ аҳамиятлироқ бўлиши мумкин. Оқибатда, бир киши, унинг учун шахсият ва шароитининг аҳволига қараб, ўзини турли ҳолларда ҳар хил мақсадлар билан турлича танитиши мумкин. Масалан, баъзи давлатларда бирор шахс солиқ декларацияларини тўлдириш учун бир тилни танлаши ва айни вақтда маҳаллий жамоада ўзга мақсадларга кўра ўзини бошқача танитиши мумкин.

- 5) Демократик жамиятда қарор чиқариш тартиби ҳам қарорларнинг моҳияти билан тенг даражада муҳим. Ижобий бошқарув халқ ҳокимияти бўлиб, халқ манфаатлари учунлиги мазкур жараёнларда доимо тааллуқли шахсларнинг ҳам иштирок этиши, халқ назари ва ҳукм чиқариши учун ошкора, ва қарор тааллуқли бўлган шахслар олдида масъул бўлиши шарт. Фақат шундай тартибот жамият ишончини уйғотади ва оқлади. Мазкур жараёнлардаги кенг иштирокка консультация, сўровлар, референдумлар, музокаралар ва бевосита тааллуқли шахсларнинг алоҳида розилигини олиш орқали этишиш мумкин. Бундай тартибот натижасида қабул қилинган қарорларга ихтиёрий риоя қилинади. Давлат ҳокимияти ва тааллуқли жамоанинг қарашлари анча фарқ қилган ҳолларда, энг қониқарли ечимни топиш учун учинчи тараф хизматларидан фойдаланиш таклиф этилади.

Алоҳида миллий озчиликларга нисбатан **Копенгаген Ҳужжатининг** 33-банди ЕХХТ қатнашчи давлатлари зиммасига «зарур маслаҳат, жумладан, мазкур озчиликлар ташкилотлари ёки уюшмалари билан мулоқотдан сўнг ўз

ҳудудидаги миллий озчиликларнинг этник, маданий, лисоний ва диний хусусиятларини муҳофазаси ва мазкур хусусиятлар равнақи учун шароит яратиш» вазифасини юклайди. **Хельсинки Ҳужжати** 6-бўлими 26- бандига кўра ЕХХТ қатнашчи давлатлари ўзларига «миллий озчилик масалаларини ижобий тарзда, тинч воситалар ва ЕХХК тамойиллари ва мажбуриятлари асосида барча таалуқди томонлар орасида мулоқот орқали ҳал қилиш» мажбуриятини олишган. «Барча таалуқли томонлар»га нисбатан, **Копенгаген Ҳужжати** 30-бандида «нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ва диний ташкилотлар бағрикенглик, маданий хилма-хилликни рафбатлантириши ва миллий озчиликларга таалуқли масалалар ечимида муҳим аҳамиятта эгалиги» тан олинади.

Кенг иштирокли жараёнлар бағрикенглик муҳитини талаб этади. Ўзаро ҳурмат ва тенгликка асосланган ижтимоий ва сиёсий муҳит қонун билан таъминланиши ва аҳоли ижтимоий ахлоқ-одоб руҳида тарбияланиши лозим. Бу йўсинда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. **Асосий Конвенциянинг** 6-моддаси 1-бандида «Томонлар бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқот руҳини рафбатлантириши ва ўз ҳудудида яшовчи барча шахсларнинг, уларнинг этник, маданий, лисоний ёки диний хусусиятларидан қатъи назар, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни, айниқса таълим, маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаларида ривожлантириш учун самарали чоралар кўриши лозим» деб кўзда тутилган. Айниқса, давлатлар нутқларда ҳақоратловчи ёки ерга урувчи номлар ва атамаларнинг ишлатилишини тўхтатиш ва салбий стереотипларга қарши чоралар кўриши лозим. Энг маъқули, таалуқли жамоа вакиллари бундай муаммоларнинг ечимида қаратилган чораларни белгилаш ва ишлаб чиқишада иштирок этиши лозим.

## **II. ҚАРОР ЧИҚАРИШДА ИШТИРОК**

### **A. Марказий ҳокимият даражасидаги тузилмалар**

- 6) **Копенгаген Ҳужжатининг** 35-банди асосида, 1991 йилги Миллий озчиликлар бўйича **ЕХХА мутахассислари Женева**
-

**учрашуви ҳисоботи** 3-қисми 1-бандида «миллий озчиликлар аҳволига таалуқли масалалар ўз мамлакатларида муҳокама қилинганда, улар бу жараёнда самарали иштирок этишга имконият берилиши лозим ... [ва] миллий озчиликларга мансуб шахслар ёки улар вакилларининг қарор чиқариш ёки маслаҳат органларида [бундай] демократик иштироқи давлат ишларида самарали иштирокнинг муҳим таркибий қисмидир» деб қайд этилган. **Хельсинки Ҳужжатининг** 6-қисми 24-банди ЕХХТ қатнашчи давлатлари зиммасига «миллий озчиликларга мансуб шахслар, якка тартибда ёки бошқалар билан биргалиқда ўз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жумладан, ҳар бир давлатнинг демократик қарор чиқариш тартиб-қоидаларига биноан ўз мамлакатининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида қатнашиши, жумладан миллий, минтақавий ва маҳаллий даражада қарор чиқарувчи ва маслаҳат органларида демократик иштироқини, шу қатори сиёсий партия ва уюшмалар орқали, эркин амалиётини таъминлашда ўз ҳаракатларини фаоллаштириш» мажбуриятини юклаган.

Иштирокнинг моҳияти, аслида, қарор чиқариш жараёнларига салмоқли ҳисса қўшиш ва ушбу ҳаракат оқибатлари учун масъулиятдан иборат. Ижобий бошқарув тушунчаси оддий мажоритар - кўпчилик фикрига асосланган қарор чиқариш доимо мақбул бўлавермаслиги шартини ўз ичига олади. Давлат тузилмаси нуқтаи назаридан, қарор чиқариш жараёнлари имкон қадар таалуқли шахсларга боғлиқлиги ва масъуллигини таъминлаш мақсадида давлат ва унинг таркибий қисмлари даражасида номарказлаштирилишнинг турли шакллари ҳам мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бу турли йўллар билан унитар давлат ёки федерация ва конфедерация тизимларида амалга оширилиши мумкин. Қарор чиқарувчи органларда озчиликлар вакиллиги ажратилган ўринлар (квота, мансабда кўтарилиш ёки бошқа чоралар) орқали ва иштирокнинг бошқа шакллари тегишли қўмиталарда ажратилган аъзолик, овоз ҳуқуқи ёки ҳуқуқисиз, орқали таъминланиши мумкин. Ижроий, суд, маъмурий ва бошқа органларда иштирокка ўхшаш воситалар, расмий талаб ёки одатий амалиёт бўладими, билан эришиш мумкин. Озчиликлар эҳтиёжларини қондириш учун маҳсус органлар тузилиши мумкин. Озчиликлар барча ҳуқуқлари амалиёти учун давлат

хизматида махсус чоралар кўрилиб, жумладан **Халқаро Ирқий Камситишнинг Барча Шакларини Тугатиш Конвенцияси** 5-(с) моддасига биноан «давлат хизматидан фойдаланишда тенг имкониятлар» таъминланиши лозим.

## B. Сайловлар

- 7) Эркин, одилона ва даврий сайловларга асосланган вакиллик ҳукумати замонавий демократия устунидир. **Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси** 21-моддаси З-бандига биноан, устувор мақсад «Халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асосидир». Ушбу асосий стандарт умумжаҳон ва Европа шартномаларида, жумладан **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар бўйича Халқаро Шартнома** 25-моддаси ва *Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси* биринчи қўшимча Протоколи З-моддасида ифодаланганд. ЕХХТ қатнашчи давлатлари учун **Копенгаген Ҳужжати** 5- ва 6-бандлари «барча инсонларнинг ажralmas ҳуқуқлари ва қадр-қиммати тўлиқ ифодаланиши учун зарур адолат унсурларидан бири» «даврий ва ҳаққоний сайловлар орқали эркин ва одилона ифодаланганд халқ иродаси бутун давлат ҳокимияти ва қонунийлиги пойdevоридир».

Давлатлар мазкур мажбуриятлар ижроси танловида анча эркинликка эга бўлса ҳам, уларни камситишсиз амалга ошириши ва иложи борича вакилликнинг юқори даражасига интилиши лозим. Дарҳақиқат, **БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси 25-рақамли Умумий Шарҳнинг 12-банди мосдасига** (1996 йил 57-сессия) «Фикр ифодалаш, йиғилиш ва уюшиш эркинликлари овоз ҳуқуқининг самарали амалиёти ажralmas шартлариdir ва тўлиқ ҳимояланган бўлиши шарт. [...] Сайлов ҳақидаги ахборот ва материаллар озчиликлар тилида нашр этилиши лозим». Бундан ташқари, **25-рақамли Умумий Шарҳнинг** 5-бандида изоҳланишича, «Давлат ишлари сиёсий ҳокимиятнинг амалиётига алоқадор кенг тушунча ва айниқса қонунчилик, ижроий, ва маъмурий ҳокимият амалиётига таалуқлидир. Бу қоида давлат бошқарувининг барча жиҳатларини, шунингдек халқаро, миллий, миintaқавий ва маҳаллий даражадаги сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишни ўз ичига олади».

Ҳеч бир сайлов тизими турли қарашлар ва манфаатлар нуқтаи назаридан бетараф эмаслиги сабабли, давлатлар улар

---

шароитида энг самарали вакиллик ҳокимиятига олиб келувчи тизимни жорий этиши лозим. Бу шарт айниқса миллий озчиликларга мансуб шахслар учун муҳимдир, акс ҳолда улар етарли вакилликка эга бўлмаслиги мумкин.

- 8) Аслида демократик давлатлар, тинчликпарварлик ва бошқалар ҳуқуқларини шарти билан ўз фуқаролари сиёсий уюшишларига аралашмаслиги лозим. Индаллода, бу қатор халқаро ҳужжатларда, жумладан: **Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси** 20-моддаси; **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома** 22-моддаси; **Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси** 11-моддаси; ва **Копенгаген Ҳужжати** 6-бандида белгилаб ўтилганидек, уюшиш эркинлиги масаласидир. Миллий озчиликларга мансуб шахслар учун уюшиш ҳуқуқи **Копенгаген Ҳужжати** 32.6-банд ва **Асосий Конвенцияси** 7-моддасида алоҳида кафолатлаб ўтилган. **Хельсинки Ҳужжати** 6-қисми 24-банди ЕХХТ қатнашчи давлатларидан «миллий озчиликларга мансуб шахслар якка тартиб ёки бошқалар билан гурӯҳда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жумладан ўз мамлакатлари сиёсий [...] ҳаётида тўлиқ [...] иштирок этиш.. жумладан сиёсий партия [...] ёки уюшмалар орқали.. эркин фойдаланишларини таъминлашни талаб қиласди».

Тенг ҳуқуқлилик ва камситилмаслик тамойилига тўлиқ риоя қилиниши, этник асосда тузилувчи сиёсий партияга бўлган субъектив ва объектив эҳтиёж ва талабни камайтирса ёки йўқотса-да, баъзи вазиятларда бундай этник жамоа партиялари уларнинг алоҳида манфаатларининг самарали ифодаланиши ва иштироки учун ягона умид бўлиши мумкин. Албатта, партиялар бошқача асосда, яъни минтақавий манфаатлар асосида ташкил этилиши мумкин. Энг афзали, партиялар таркиби очиқ бўлиб, тор этник доиралар чегарасидан чиқиши лозим; яъни етакчи партиялар этник партияларга эҳтиёж ёки талаб туғилмаслиги учун озчиликлар вакилларини ўз қаторларига олишга интилиши лозим. Бу жиҳатдан сайлов тизимининг танлови муҳим бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, бирор сиёсий партия ёки уюшма ирқий нафрат қўзғаши мумкин эмас ва бу **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Шартнома** 20-моддаси ва **Ирқий Камситишнинг Барча**

---

**Шакларини Тугатиш тўғрисидаги Халқаро Конвенцияси**  
4-моддасида тақиқланган.

- 9) Сайлов тизими қонунчилик мажлиси, бошқа орган ва муассасалар ҳамда алоҳида мансабдор шахсларнинг сайловига имкон бериши мумкин. Бир мандатлик округлар озчиликлар учун етарли вакиллик берса ҳам, округларнинг тузилиши ва озчилик жамоаларининг жойлашишига қараб, мутаносиб вакиллик мазкур озчилик вакиллигини кафолатлашга ёрдам бериши мумкин. Мутаносиб вакилликнинг турли шакллари ЕХХТ қатнашчи давлатларида қўлланилади, жумладан «преференция -маъқул овоз», яъни сайловчилар номзодларни танловга кўра рўйхатга туширишади; «очик рўйхат» тизими қўлланилганда сайловчилар партия рўйхатидан маъқул номзодни танлаши ёки партия учун овоз бериши мумкин; «аралаш сайлов тизимида»- сайловчилар турли партиялар орасидан биттадан кўпроқ номзодга овоз бериши мумкин; ва «кумуляция» услугида, яъни сайловчилар маъқул кўрган номзодга биттадан кўпроқ овоз бериши мумкин. Фоиз чекловлари баландлик жиҳатидан озчиликлар вакиллигига тўсқилик қиласлиги лозим.
- 10) Сайлов округлари чегараларини белгилашда миллий озчиликларнинг эҳтиёж ва манфаатлари уларнинг қарор чиқарувчи органларда вакиллигини таъминлаш учун эътиборга олиниши лозим. «Тенглик» тушунчасига кўра танланган услуг билан ҳеч ким камситилмаслиги ва ҳамманинг эҳтиёж ва манфаатларига одилона эътибор қаратилиши лозим. Энг афзали, бошқа масалалар қатори озчиликлар хуқуqlари ҳам таъминланиши учун, чегаралар мустақил ва холис орган томонидан тортилиши лозим. Бу кўпинча ЕХХТ қатнашчи давлатларида доимий профессионал сайлов комиссиялари орқали амалга оширилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Давлатлар озчиликлар вакиллигини камайтириш ёки йўқотиш мақсадида сайлов округи чегараларини ўзгартирмаслиги ёки бошқа йўл билан округдаги аҳоли нисбатларини ўзгартирмаслиги лозим. Бу **Асосий Конвенция** 16-моддасида очик-ойдин тақиқланган ва **Маҳаллий Ўз-ўзини Бошқарув Ҳокимиятлари тўғрисида Европа Хартияси** 5-моддаси «Маҳаллий ҳокимият чегаралари тегишли маҳаллий жамоалари билан

маслаҳатсиз ўзгаририлмайди ва қонун рухсат берса, референдум йўли билан ҳал этилади» (худудий тузилмалар бўйича 19-тавсияга қаранг).

### **C. Минтақавий ва маҳаллий даражадаги тузилмалар**

- 11) Мазкур Тавсия марказий ҳукуматдан қуидаги барча ҳокимият даражаларига (масалан, провинциялар, вилоятлар, туманлар, префектуралар, муниципалитетлар, шаҳар ва шаҳарчалар, унитар давлат бир қисми ёки федератив давлат таркибий қисмлари, жумладан муҳтор вилоятлар ва бошқа ҳокимиятларга) тааллуқлидир. Ҳамма инсон ҳуқуқларидан баравар фойдаланиши - марказий ҳукумат даражасидаги ҳуқуқлар қуи тузилмаларда ҳам мавжуд бўлиши демакдир. Лекин, минтақавий ва маҳаллий даражадаги тузилмаларни жорий этишда қўлланилган мезонлар марказий ҳукумат даражасидан фарқли бўлиши лозим. Тузилмалар асимметрик тарз зда, турли эҳтиёжлар ва ифодаланган ҳоҳишларга биноан жорий этилиши мумкин.

### **D. Кенгашув ва маслаҳат муассасалари**

- 12) **Хельсинки Ҳужжати** 6-бўлими 24-банди ЕХХТ қатнашчи давлатлари зиммасига «миллий озчиликларга мансуб шахслар якка тартибда ёки бошқалар билан биргалиқда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, жумладан ўз мамлакатлари [...] сиёсий ҳаётида тўлиқ иштирок этиши [...] хусусан миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги маслаҳат органларида [...] демократик тарзда иштирокини таъминлашни» талаб қиласи. Бундай органлар доимий ёки ад-хок, қонунчилик ёки ижроий ҳокимиятнинг бир қисми ёки унинг ҳузурида ёхуд улардан мустақил бўлиши мумкин. Бир неча ЕХХТ қатнашчи давлатларида қонунчилик ҳокимияти қошида қўмиталар, масалан озчиликлар иштирокидаги давра сұхбатлари мавжуд. Улар ҳокимиятнинг барча даражалари, жумладан ўз-ўзини бошқарув тузилмаларида ишлашга ҳақли ва ишлашади ҳам. Бу органлар самарали бўлиши учун озчилик вакиллари ва маҳсус тажрибали бошқа вакиллардан ташкил топиши, етарли захиралар билан таъминланиши ва қарор чиқарувчilarнинг жиддий диққатига молик бўлиши зарур. Маслаҳат ва тавсиялар беришдан ташқари, мазкур органлар қарор чиқарувчилар билан озчилик гурӯҳлари орасида

фойдали воситачи муассаса бўлиши мумкин. Улар ҳукумат даражасида озчилик жамоалари орасида чоралар кўришга чорлаши мумкин. Мазкур органлар яна дастурлар ижросига оид, жумладан таълим соҳасида, турли вазифаларни бажариши мумкин. Кўшимча тарзда маҳсус қўмиталар баъзи озчиликлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин, шу сабабли мазкур қўмиталарда озчиликлар вакиллари бўлиши лозим.

- 13) Мазкур органлардан амалий фойдаланиш имкониятлари турличадир. Лекин барча ҳолларда ижобий бошқарув ҳукуматдан тузилган маслаҳат ва консультация органлари билан шуғулланиш учун чоралар кўриши ва эҳтиёж туғилган сайин уларни ҳисса қўшишга чорлаши лозим. Мазкур органлар ва уларнинг аъзоларига ҳокимиятнинг очиқ муносабатда бўлиши ва ҳамкорона ёндашуви энг мақбул қарорлар қабул қилиниши ва жамиятнинг ҳокимиятга ишончи мустаҳкамланишига ҳисса қўшади.

### **III. Ўз-ўзини бошқарув**

- 14) «Ўз-ўзини бошқарув» тушунчаси жамоа ўзига тааллуқли масалалар ечими устидан назорат воситасини англатади. «Бошқарув» атамаси мутлақ ваколат маъносини англатмайди. Унга яна маъмурий ҳокимият, бошқарув ва маҳсус қонунчилик ҳамда суд ваколатлари кириши мумкин. Бунга давлат ўз ваколатини қисман бериш, федерация ҳолатида эса ҳокимиятнинг айрим ваколатларини тақсимлаш орқали амалга оширилади. ЕХҲТ қатнашчи давлатларида «ўз-ўзини бошқарув» тузилмалари мухторият, ўз-ўзини ва маҳаллий бошқарув деб турли номлар билан аталади. Бу ҳеч қачон ҳудудий тузилмалар учун этник мезонни билдирумайди.

**Копенгаген Ҳужжатининг** 35-бандига кўра, ЕХҲТ қатнашчи давлатлари «баъзи миллий озчиликларнинг этник, маданий, лисоний, ва диний ўзига хослигини ҳимоя қилиш ва камол топтириш учун шароит яратиш ҳаракатларининг воситаларидан бири мазкур озчиликларнинг тарихий ва ҳудудий шароитидан келиб чиқиб ҳамда тегишли Давлат сиёсатига мувофиқ тегишли маҳаллий ёки мухтор маъмуриятларни» тузиш чоралари қайд этилган. **ЕХҲК миллий озчиликлар бўйича мутахассислар учрашуви**

---

(Женева) ҳисоботи 4-қисми 7-бандида «баъзи [Қатнашчи давлатлар] томонидан демократик йўсингдаги [...] маҳаллий ва мухтор маъмуриятда, жумладан ҳудудий мухторият, эркин ва даврий сайловларда консультация, қонунчилик ва ижро; миллий озчилик томонидан ҳудудий мухторият қўлланилмаган ҳолда ўзига хослигига тааллуқли масалаларда ўз-ўзини бошқаруви; ҳокимиятнинг номарказлашган ёки маҳаллий шакллари; [...] миллий озчиликларга мансуб ва ўз таълим, маданий ва диний муассасалари, ташкилотлари ва уюшмалари тузиб, юргизмоқчи бўлган шахсларга молиявий ва техник ёрдам кўрсатилишида ижобий натижаларга эришилгани қайд этилган[...]». *Европа Ўз-ўзини Бошқарув Хартияси* муқаддимасида «демократия тамойиллари ва ҳокимият номарказлаштирилиши» «турли Европа давлатларида маҳаллий ўз-ўзини бошқарувни ҳимоялаш ва кучайтириш»га ҳисса қўшишига урғу беради. Бу жиҳатдан *Европа Ўз-ўзини Бошқарув Хартияси* 9-моддаси мазкур номарказлашган ҳокимият учун етарли молиявий захиралар ажратилиши зарурлигини белгалайди.

- 15) Давлат органлари бутун давлатга тааллуқли муайян соҳаларда масъулиятни зиммасига олар экан, у марказий ҳокимият орқали уларнинг тартибга солинишини таъминлаши лозим. Бунга одатда: давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш учун мудофаа масалалари; ҳарқалай марказий ҳукумат иқтисодий жиҳатдан минтақалар орасида фарқларни камайтирувчи макроиқтисодий сиёsat ва анъанавий дипломатия масалалари киради. Умуммиллий миқёсдаги бошқа масалалар ҳам қайсиdir даражада марказий ҳокимият томонидан тартибга солиниши лозим. Ушбу соҳалардаги тартибга солув, жумладан алоҳида ҳудудий бўлинмалар ёки озчиликлар иштирокида (18-ва 20-тавсияларга қаранг) амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга тартибга солув ваколатларининг бундай бўлиниши инсон ҳуқуqlари меъерларига мувофиқ бўлиши ва амалий ҳамда мувофиқлаштирилган ҳолда қилиниши лозим.

Ҳудудий ёки ноҳудудий мухторият шаклидан қатъи назар, умуман давлат ва озчиликлар гуруҳлари учун алоҳида муҳим яна бир соҳа таълимдир. *ЮНЕСКОнинг Таълим соҳасига Камситишга Қарши Конвенцияси* 5-моддаси 1- бандида ушбу соҳада қандай тақсимни зарурлиги батафсил айтиб ўтилган: «Мазкур Конвенцияга аъзо давлатлар: [...]

- (б) Ота-оналар ва тегишли ҳолларда қонуний васийлар ўз фарзандлари учун давлат тасарруфидан ташқари, лекин ваколатли органлар томонидан тузилган ёки тасдиқланган минимал таълим талабларига жавоб берувчи муассасаларни танлаш эркинлиги ва иккинчидан давлат қонунчилигида белгиланган тартиб-қоидаларга мос ҳолда ўз эътиқодларига биноан фарзандлари учун диний ва маънавий тарбия бериш эркинлиги ҳурматини таъминлаш; бирор шахс ёки гурух ўз эътиқодига зид диний таълим олишига мажбур қилинмаслиги лозим;
- (с) Миллий озчиликларнинг ўз таълим фаолиятини олиб бориш, жумладан мактабларни юргизиш ва ҳар бир давлат таълим сиёсатидан келиб чиқсан ҳолда, ўз тилидан фойдаланиш ёки ўқитиш ҳуқуқини тан олиш зарур, лекин бу: (1) бу ҳуқуқ амалга оширилиши озчиликлар аъзоларининг бутун жамоа тили ва маданиятини тушунишига ва улар фаолиятида иштирокига тўсиқ бўлмаслиги ёки миллий суверенитетга зид бўлмаслиги лозим; (2) Таълим стандартлари ваколатли органлар томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий даражадан паст бўлмаслиги; (3) бундай мактабларда ўқиш ихтиёрий бўлиши даркорлигини эътироф этишади».
- 16) Демократик бошқарув тамойили **Умумжаҳон Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси** 21-моддаси; **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Шартнома** 25-моддаси; **Европа Инсон Ҳуқуқлари Конвенцияси** 1-Протоколи 3- моддаси ва ЕХХТ стандартларида ифодаланганидек, бошқарувнинг барча даражалари ва омилларида қўлланилади. Ўз-ўзини бошқарув муассасаларига эҳтиёж ёки ҳоҳиш туғилса, ва барча томонидан ушбу ҳуқуқлардан teng фойдаланиш ушбу муассасаларда демократия тамойилга риоя қилинишини талаб этади.
- A. Ноҳуудий тузилмалар**
- 17) Бу бўлим - кўпинча «шахсий» ёки «маданий мухторият» деб аталувчи ноҳуудий мухториятларга бағишлиланган ва улар бундай гурух жуғрофий жиҳатдан тарқоқ жойлашган

холларда мақбулдир. Бундай ваколатлар тақсимланиши, жумладан алоҳида масала устидан назорат ўрнатилиши давлат даражасида ёки ҳудудий тузилмалар орқали таъминланиши мумкин. Барча ҳолларда инсон ҳуқуқлари учун ҳурмат таъминланиши зарур. Бундан ташқари, мазкур тузилмаларнинг фаолияти учун етарли молиявий захиралар билан таъминланиши ва кенг иштирокли жараёнлар орқали тузилиши лозим (5 тавсияга қаранг).

- 18) Бу мумкин бўлган вазифаларнинг тўлиқ рўйхати эмас. Кўп нарса вазиятга, жумладан озчиликлар эҳтиёжлари ва билдирган хоҳишларига боғлиқ. Турли вазиятларда, турли масалалар озчиликлар эътиборини кўпроқ ёки камроқ тортади ва бу соҳадаги қарорлар уларга турли даражада таъсир этади. Баъзи соҳаларда ваколат тақсимланиши мумкин. Озчиликлар учун алоҳида яна бир нозик масала, **Асосий Конвенция** 11 моддаси, 1-бандида белгиланганидек, вакиллик муассасалари ва айрим аъзоларнинг ўз номларини белгилаш ҳуқуқидир. Дин масалаларида эса, Тавсия давлат диний муассасаларига берилган ваколатдан (масалан, давлат мақоми) ташқари дин масалаларига аралашишни тарғиб қилмайди. Бу Тавсияда озчилик муассасалари оммавий ахборот воситаларини назорат қилиши назарда тутилмайди, ваҳдоланки **Асосий Конвенция** 9-моддаси, 3-бандига кўра озчиликларга мансуб шахслар ўз оммавий ахборот воситаларини тузиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Албатта, маданиятнинг ижтимоий ҳимоя, уйжой ва бола тарбиясига тааллуқли жиҳатлари кўп; давлат ушбу соҳалардаги бошқарувда озчиликлар манфаатларини эътиборга олиши зарур.

## B. Ҳуудий тузилмалар

- 19) Европа давлатларида ваколатни тақсимлаш ва субсидиарлик тамойилини жорий этишга умумий оқим кузатилмоқдаки, қарорлар бевосита тааллуқларига яқин тарзда ва имкони борича тааллуқли шахсларнинг ўзлари томонидан чиқарилмоқда. **Европа Ўз-ўзини Бошқарув Хартияси** 4(3)-моддаси ушбу мақсадни қўйидагича ифодалайди: «Давлат вазифалари умуман фуқарога энг яқин ҳокимият томонидан амалга оширилиши лозим. Мажбуриятларнинг бошқа органларга юкланиши вазифанинг миқёси ва табиати ҳамда тежамкорлик ва самарадорлик талабларига мувофиқ бўлиши
-

лозим». Ҳудудий ўз-ўзини бошқарув давлатлар бирлигини сақлашга ёрдам беради ва озчиликларга уларнинг аҳоли орасидаги зичлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукуматда кўпроқ вазифалар бериш уларнинг иштирок ва қатнашув даражасини оширади. Федерациялар, унитар давлат ёки федерация таркибидаги алоҳида мухторият орқали ушбу мақсадга эришиш мумкин. Яна қўшма маъмуриятлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. 15-тавсияда айтилганидек, тузилмалар бутун давлатда бир хил бўлиши шарт эмас, лекин изҳор этилган эҳтиёж ва хоҳишларга қараб ўзгариши мумкин.

- 20) Мухтор ҳокимииятлар қонунчилик, ижро ёки суд ҳокимиияти даражасида қарор чиқариш учун ҳақиқий ваколатга эга бўлиши лозим. Давлатдаги ваколатлар марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимииятлар орасида ва вазифаларга қараб ҳам бўлинниши мумкин. **Копенгаген Ҳужжатининг** 35-банди «ўзига хос тарихий ва ҳудудий шароитга мувофиқ тегишли маҳаллий ёки мухтор маъмуриятлар»ни санаб ўтади. Бу давлат миқёсида бир хиллик шарт эмаслигини англатади. Тажрибага кўра, одатда марказий ҳукумат бажарган ваколатлар, жумладан суд (асосий ва процедура) ва анъанавий иқтисодиёт тармоқлари бошқарувини ҳам тақсимлаш мумкин. Ҳеч бўлмагандан, тааллуқли аҳоли бу ваколатларнинг амалга оширилишида мунтазам тарзда иштирок қилиши зарур. Шу билан бирга, марказий ҳукумат, бутун давлатда адолат ва имкониятлар тенглигини таъминлаш учун ўз ваколатларини сақлаб қолиши лозим.
- 21) Озчиликларнинг самаралироқ иштирокини таъминлаш учун ҳудудий асосда топшириувчи ваколатларни амалга оширишда тегишли озчиликларнинг манфаатлари тўла-тўкис эътиборга олиниши зарур. Маъмурий ижроия ҳокимиияти тегишли ҳудуднинг барча аҳолиси олдида масъул бўлиши лозим. Бу шарт **Копенгаген Ҳужжати** 5-моддаси 2-бандидан келиб чиқади. Унда барча ЕХХТ қатнашчи давлатлари барча даражада ва ҳамма шахслар учун «ўз характерига кўра ваколатли ҳокимиият шаклида ва ижроия ҳокимиияти қонун чиқарувчи орган ёки сайловчилар олдида масъул» бошқарув шаклини таъминлаши зарур деб кўрсатилган.

## IV. КАФОЛАТЛАР

### A. Конституциявий ва ҳуқуқий кафолатлар

- 22) Бу бўлим тузилмаларни қонунда «мустаҳкамлаш» масаласини кўриб чиқади. Баъзи ҳолларда батафсил ҳуқуқий тузилмалар керакли, баъзи ҳолларда эса умумий рамкалар етарлидир. 5-тавсияда айтилганидек, тузилмалар очиқ жараёнлар натижаси бўлиши лозим. Лекин тузилгандан сўнг, тааллуқли шахслар, айниқса миллий озчиликларга мансуб шахслар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барқарорлик зарурдир. **Мажаллий Ўз-ўзини Бошқарув тўғрисида Европа Хартияси** 2-ва 4-моддалари конституциявий тузилмалар маъқуллигини таъкидлайди. Барқарорлик ва қайишқоқлик орасида мақбул мувозанатга эришиш учун, муайян даврлар орасида қайта кўриб чиқишини белгилаш ва аввалдан ўзгариш жараёнини сиёсийлаштирмаслик ва ўзгартириш жараёнини рақобатсизроқ ўtkазиш фойдадан холи эмас.
- 23) Мазкур Тавсия 22-тавсиядан шу билан фарқ қиласдики, у мавжуд тузилмаларни ўзгартириш шартларини белгиламай, янги ва қўлланилмаган тузилмаларни синаб кўришини рафбатлантиради. Масъул муассасалар марказий ҳокимият ва озчиликлар вакиллари орасидаги турли вазиятлар турлича ёндашиши мумкин. Бундай ёндашув, якуний натижаларни олидндан белгилаб қўймайди, шу сабабли янгиликларни қабул этиш ва амалга ошириш орқали фойдали тажриба манбаи бўлиши мумкин.

### B. Ҳуқуқий муҳофаза

- 24) **Копенгаген Ҳужжати** 30-бандида, ЕХХТ қатнашчи давлатлари «миллий озчиликларга доир масалалар фақат қонун устуворлигига асосланган демократик сиёсий рамкаларда ва ишлаётган мустақил суд ҳокимияти билан қониқарли амалга оширилиши мумкинлигини» тан олишади. Самарали ҳуқуқий муҳофаза воситалари **Фуқаролик ва Сиёсий Ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Шартнома** 2-моддаси 3-бандида ва «суд ечими» **Мажаллий Ўз-ўзини Бошқарув тўғрисида Европа Хартияси** 11- моддасида белгиланган.

Суд назорати конституциявий судлар ва тегишли инсон ҳуқуқлари органлари томонидан амалга оширилиши мумкин. Суддан ташқари механизм ва муассалар, масалан миллий комиссиялар, омбудсманлар, этник гурӯҳлар ёки «ирқий» масалалар кенгашлари ҳам, *Копенгаген Ҳужжати* 27-банди, *Ирқий Камситишнинг Барча Шакларини Тугатиш түғрисида Халқаро Конвенция* 14- моддаси 2-банди, ва 1993 йилда Жаҳон Инсон Ҳуқуқлари Анжуманида қабул қилинган *Вена Декларацияси* ва *Ҳаракатлар Дастири* 36-бандига мувофиқ муҳим ўрин тутиши мумкин.